



Ishonch

МОҲИЯТ

Бугунги эркин ва озод ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз учун жон берган, ҳалок бўлган ватандошларимизни эслаш, орамизда яшаб келаётган уруш қатнашчиларини қадрлаш ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.
Ислом КАРИМОВ

О'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan



Хотира — абадий, қадр — муқаддас!

Юртимизда катталарга биринчи бўлиб салом бериш ва уларни эъзозлаш, муҳтожларга кўмаклашиш, жамоа фикрига қулоқ солиш мажбурият эмас, бурчага айланиб кетган. Ўзбекининг ўзбекилигини акс эттирувчи қадриятлар мурасим бунда. Шунинг ўзи «тонгсахар» соат ўнда уйғониб, юз-қўлини ювмасдан тўшақнинг ўзида нонушта қилдиган, «менинг шахсий ҳаётимга аралашманг» дейдиган оммавий маданият хуружларига қарши тайёр иммунитет. Бизнинг вазирамиз — болаларимизни умрзоқ қадриятларимиз руҳида тарбиялаш. Нуруний болаларимиз, муштирапар момоларимиз бу ишда бизнинг суянчимиз, ишонган тоғларимиздир.

Инсоният тарихи ҳар доим эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашдан иборат бўлиб келган. Иккинчи жаҳон уруши бунинг энг эркин далили. Уша суронли йилларда фашизм устидан қозонилган ғалабага ўзбек халқи ҳам муносиб хисса қўшди. Жангтоҳларда тўйилган қанчадан-қанча қонлар, не-не алп йигитларимиз берган жонлар, фронт ортида чекилган улкан машаққат, оталар, оналар, болаларнинг аччиқ кўзёшлари эвазига эришилган буюк ғалаба эди бу.
9 май 1999 йилдан бошлаб мамлакатимизда юртбошимизнинг фармониغا биноан Хотира ва қадрлаш кўни сифатида нишонлаб келинмоқда. Хотира — абадий, қадр

— муқаддас. Бугунги дорилмомон кунларимиз учун меҳнат қилган, қурбон бўлганларни хотирлаш, ёнимизда юрган устозларни эъзозлаш бурчимиздир.
Президентимизнинг 24 мартдаги «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги нишонлиниши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини муқофотлаш тўғрисида»ги фармони ҳам ушбу эъзоз ва ҳақиромнинг бир кўринишидир.
(Шу ҳақдаги материалларни 2-3-саҳифаларда ўқийсиз)
Ёлқин ШАМСИДИНОВ (ЎЗА) олган сурат

Сенатнинг иккинчи ялпи мажлиси

2010 йил 7 май кунини Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси бошланди. Уни Сенат раиси И.Собиров олиб бормоқда. «Олий Мажлисининг қонун ижодкорлиги фаолиятида мамлакатимизда иқтисодий соҳада амалга оширилган таркибий ўзгаришларни, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, банк-молия тизимини ривожлантиришни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масаласи алоҳида ўрин эгаллади», — деган эди Президент Ислом Каримов Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида.

Сенатнинг иккинчи ялпи мажлиси кун тартибига назар ташлар экансиз, бунга тўлиқ ишонч ҳосил қиласиз. Жумладан, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Сенатнинг биринчи мажлиси ҳамда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаларининг асосий қоида ва хулосаларини рўйбга чиқариш юзасидан Сенатнинг ҳаракат дастури, шунингдек, иқтисодий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга йўналтирилган бир қатор қонулар қўриб чиқилмоқда. «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонуннинг 10-ва 11-моддаларига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддасига, шунингдек, Солиқ кодексининг 180 ва 275-моддаларига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонулар ва бошқа масалалар ялпи мажлис кун тартибидан ўрин олган.

Сенатнинг иккинчи ялпи мажлиси кун тартибидаги масалаларни муҳокама этиш қизғин давом этмоқда.
Довуд МАДИЕВ

Ёзги соғломлаштириш Мавсумга ҳозирлик

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг мажлислар залида Тошкент шаҳар касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг ёзда болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этишга бағишланган аънавий семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда касабаси уюшма кўмитаси раислари, оромгоҳ бошлиқлари, бош ҳисобчилари, катта тарбиячилар иштирок этди. Тадбирни кенгаш раиси Нурилла Насимов бошқарди.
Болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришни ташкил этиш бўйича шаҳар доимий комиссияси томонидан 2009 йилда олиб борилган ишлар атрофича таҳлил қилинди. Бу йилги мавсумда болаларнинг мазмунли дам олишига тайёргарлик қилиш, унинг самарали ўтказилишини ташкил қилиш бўйича ҳужжалик органлари, шаҳар бошқармалари ва оромгоҳлар раҳбарияти олдида турган вазифалар ҳақида шаҳар кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими

маъруза қилди.
— Утган мавсумда 42 мингдан зиёд бола дам олдирилди. 21 та стационар оромгоҳда 26250 нафар ҳамда 36 та мактаблар қоидадаги кундузги оромгоҳда 14 мингга яқин бола соғломлаштирилди, — деди у. — Мавсум давомида ҳар бир оромгоҳда кенг қамровли маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари, қизиқарили уюшувлар, турли мавзуларда баҳс-мунозаралар ўтказилди.
Саёҳат, фестивал, спартакиадалар ташкил этилди. Жорий йилда ҳам пойтахт меҳнатқашларининг 42 мингдан зиёд фарзандини дам олдириш режалаштирилган. 20 та стационар оромгоҳдан ташқари, мактаблар қоидадаги кундузги оромгоҳларда 16500 нафар болани соғломлаштириш кўзда тутилган.
Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ички ишлар бошқармаси, ЕХБ, ФВБ, «Тошшаҳартрансизмат» АК, Санитария-эпидемиология назорати маркази, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ ҳамда Тошкент давлат педагогика университетидан келган вакиллар оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш бўйича фикр билдирдилар.
Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ, «Ishonch» муҳбири

Жасурнинг жасорати

Жасур эндигина ўн бешинчи баҳорини кўришди. У Жиззах вилоятининг Зафаробод туманидаги 9-умумтаълим мактабида аъло баҳоларга ўқийди. Оиласига яхшигина кўмаклашди.
Жасур шу йил 24 апрел кунини дарсдан сунг китобини қўлтиқлаганча қўйларини Айдарқўл соҳилларида

ўтлатиш учун ҳайдаб кетди. Ҳаво очик ва дим эди. Шундан бўлса керак, улкан кўл соҳилига дам олишга келганлар кўпчилигини ташкил этарди. Ана, тўрт-беш киши эшакка қайиқда чакчақлашиб, кўл ўртасига сузиб боришарди. Бироз ўтган, ўша томондан келган ғалаговур Жасурнинг эйтиборини тортиди. Қараса, соҳилдан анча олислаб қолган қайиқ тўнтарилиб ётар, буни кутмаган одамлар эса қўрқиб бақирарди.
Жасур ҳеч иккиланмай ўзини сууга олди. Нарироқда турган эски қайиқни ҳавф туғилган жойга томон ҳайдади.
Маълум бўлишича, бухоролик меҳмонлар вақтини мароқли ўтказиш мақсадида кўлга келишган экан. Жасурнинг жасоратли ҳаракати туфайли уч нафар меҳмон уйларига соғ-омон қайтишди.

Жақинда Жасур Ярашевнинг чўкаётган одамларни кутқаришдаги жасорати ўзи ўқийтган мактабда шарафланди. Унинг мардлиги, жасурлиги юзлаб мактабдошларига намуна қилиб кўрсатилди. У туман ҳокимлиги ва ички ишлар бўлимининг фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.
Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» муҳбири

Янги Кун янгиликлари

Сурхондарёда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига асосан кам таъминланган ёш оилалар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими маблағи ҳисобидан Ангор, Музробод ва Денов туманларида 35 та ёш оиллага бепул қорамол тарқатилди.

Ёш оилаларга қорамол
— Бундай ғамхўрлик рўзгорнинг юқини енгил қилишда ёш келин-куёвларга мадад бўлаётир. Йил охиригача яна шундай оилаларга 100 бош қорамол ажратишни режалаштирганмиз, — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси кенгаши раиси Эркин Қўчкинов.
Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» муҳбири

Китоб туманидаги сабзавотчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган «Баҳром-бек Иштиёрбек ўғли» фермер ҳўжалиги 12 миллион сўм маблағ сарфлаш ҳисобига артезиан қудуғини ишга тушириб, аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондирди.

Даромад ҳисобига
Бир йилда 30 миллион сўм соф фойда олишга эришган тадбиркорлар жамоаси қишлоқдаги 5 та кам таъминланган оилани ҳомийликка олиб, моддий жиҳатдан қўмақлашмоқда.
— 13 гектар майдонда картошка, 10 гектарда помидор ва 3 гектарда пиёз устираймиз, — дейди фермер И.Хушвақтов. — Ишлаб чиқаришдан келадиган даромад ҳисобига қишлоқларни ободонлаштиришда фаол қатнашамиз.
Изаат ҲИҚМАТОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи муҳбири

Ёш авлодни она-юртта сadoқат руҳида тарбиялаш, уларда ватанпарварлик, фидойилик туйғуларини шакллантириш келажакка тамал тоши қўйиш билан барабардир.

Соғлом турмуш тарзи учун
Вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшма кенгаши Гўждувон тиббиёт коллежида «Баркамол авлод» келажак пойдевори мавзусида амалий анжуман ўтказди. 250 нафар талаба иштирок этган ушбу тадбирда вилоят Саломатлик маркази, Наркология диспансери ва вилоят ОИТС маркази мутахассисларининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, гўшандликнинг олдини олиш борасидаги суҳбатлари тингловчиларда катта таассурот қолдирди.
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан тақдим этилган «ОИТС — аср балоси» номли видеотасма намойиш этилди.
Тадбир сўнггида 10 нафар фаол талабага вилоят тармок касабаси уюшма кенгашининг фахрий ёрлик ҳамда 340 минг сўмлик спорт кийимлари топширилди.
Шаркат СУЛТОНОВ, Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшма кенгаши раиси

Яқинда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Халқ ижодийти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамкорлигида хаваскор фотосуратчиларнинг аънавий 4-республика танлови ўтказилди.

Ногоҳи чақин ижодкор
Ўзбекистон бадиий академияси Тошкент фотосуратлар уйида ташкил этилган маъруза танловда «Народное слово» газетасининг Навоий вилояти бўйича муҳбири Мирзаев ҳам қатнашган эди. Вилоятнинг гўзал манзаралари, хунармандлиги, спортчи-ю бадиий жамоаларини акс эттирган суратлар муаллифи Ф.Мирзаев танловда 3-ўрин ҳамда «Энг маъоратли ижодкор» номинацияси бўйича голибликни қўлга киритди.
Ҳамкасбимиз Тошкент фотосуратлар уйи ҳамда «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.
Улаш НУРМАНОВ, журналист

Ногиронларни иқтисодий химоя қилишга мамлакатимизда катта эътибор қаратилмоқда. Уларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш мақсадида марказлар ташкил этилмоқда.
Хусусан, Хўжаобод туманида ногиронларни реабилитация қилиш маркази иш бошлади.

Марказ иш бошлади
Ҳозир туманда 2300 та ногирон бўлиб, уларнинг 237 нафари вояга етмаганлардир. Марказнинг очилиш маросимида 150 нафар ногирон болага байрам дастурхони ёзилди, турли хомий ташкилотлар томонидан совғалар топширилди. Болаларга ногиронлик аравачаси, эшитиш ускуналари ва бошқа керакли инвентарлар соғва қилинди.
5-мактаб ўқувчиси Т.Раҳимова касаллик туфайли тўшаққа миҳланиб қолган. Ҳомийлар томонидан тақдим этилган компютер ўқишни давом эттиришга кўмак берадиган бўлди.
Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» муҳбири

Ҳисобот-сайлов конференциялари

Самарадорлик ОМИЛИ

АСМ ходимлари касаба уюшмаси Асака туман кенгаши таркибига кирувчи «Асакаё» ОАЖ касаба уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда кўмита раиси Нўмонжон Воҳидов ўтган даврда эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар ҳамда истиқболдаги долзарб масалалар юзасидан маъруза қилди. Хусусан, корхона иқтисодий салоҳиятини оширишга, касаба уюшма аъзоларининг унумли ишлаши, дам олиши учун шароит ва имтиёзлар яратиш, айниқса, ходимларнинг ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Жумладан, Андижон клиникаси ва Асака шифохоналарида бепул даволаниш йўлга қўйилган. Турли маданий ва спорт тадбирлари ўтказилмоқда. Утган даврда бахтсиз ҳодиса содир бўлмаганлиги эса меҳнат муҳофазасига етарлича эътибор қаратилганини кўрсатиб турибди.

Ижтимоий ғимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар, байналмилалчи ва чернобичиларга моддий ёрдам берилади. Ишчилардан Гулнора Абдураazzoқова, Жамолдин Дадабоев ва Хайрулло Соиповга бир бошдан қорамол олиб берилгани ҳам хайрли ишлар сирасига киради.

Музокарада сўзга чиққанлар касаба уюшма кўмитаси ҳисобот даврида ишчи-хизматчиларнинг ишончини қозонгани, барча талаб ва муурожаотлар ўз вақтида қўриб чиқилганини таъкидлади. Н.Воҳидов яқдиллик билан яна раисликка сайланди.

Шерзод АБДУСАМАДОВ, «Ishonch» муҳбири

Жорий йилнинг март-апрел ойларида тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши тизимидаги барча бошланғич, бирлашган ва ҳудудий касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайлов конференциялари юқори савияда ўтказилди.

Ҳисобот-сайловларда, айниқса, кадрлар таркибини синчиклаб ўрганиш, тизимга ёш, ғайратли, соҳа муаммоларини чуқур биладиган ва уларни ҳал этишга интиладиган ходимларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди.

«Утемирйўлчулчи» ОАЖ, Тошкент метрополитени, ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бошқармаси касаба уюшма кўмитаси ҳисобот-сайлов конференцияларида ўзқуфк масъул ходимлари иштирок этиб, етакчилик масъулияти ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида атрофлича фикр юритдилар.

Конференциялар ошкоралик тамойилларига риоя қилган ҳолда ва раҳбарликка номзодларни муқобиллик асосида танлаш йўли билан ўтказилгани аҳамиятлидир. Мазкур жараёнларда тўртта бошланғич ва иккита ҳудудий касаба уюшма ташкилотларига ёш ва ғайратли фаоллар етакчи қилиб сайланди. Янги сайланганларнинг барчаси олий маълумотли.

Ҳисобот-сайловларда Президентимиз ва республика ҳукумати томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида юз бераётган ижобий ўзгаришлар, жаҳон иқтисодий инқирозига қарши давлат дастури бажарилиши доирасида касаба уюшмалари томонидан олиб борилаётган кенг қамровли ишларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

И. НАЗАРОВ,

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудир

Аср қурилиши бўлмиш Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган темир йўлининг ишга туширилиши, Дехқонobod қалий заводининг бунёд этилиши мамлакатимиз тараккиётида унутилмас воқеа бўлди. Ўзгаришлар авваломбор туман, айниқса, кишлоқларимиз кўркига кўрк қўшаётгани қувонарлидир.

Таълим ва фан ходимлари Дехқонobod туман бирлашган касаба уюшма кўмитаси ҳисобот-сайлов конференциясида ушбу ўзгаришлар эътироф этилган ҳолда фаолият учун янги даврни очиб беришига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Утган даврда ташкилотимиз фаолияти ташкилий жиҳатдан мустахкамланди, муҳими, аъзоларнинг сон жиҳатдан ўсиши кузатилди. Айни кунда бирлашган кўмита таркибиде 4340 нафар аъзони бирлаштирган 100 та касаба уюшма ташкилоти мавжуд, — деди кўмита раиси Бахтиёр Юсупов. — Соҳа ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий ғимоялаш, моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳисобот даврида 324 та ёзма, 155 та оғзаки муурожаот келиб тушган бўлиб, 70-80 фоизи ижобий ҳал этилди.

Шунингдек, тадбирда жойлардаги айрим таълим муассасаларидаги қонун бузилишларига лоқайдлик фаолиятга салбий таъсир этаётгани, бунинг олдини олиш ташкилот олдиде турган асосий вазифалардан экани қайд этилди.

Конференцияда тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгашининг раиси Шодмон Кубаев ва бошқалар ҳисобот юзасидан ўз мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Бахтиёр Юсупов бир овоздан яна бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси этиб сайланди.

Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» муҳбири

Таълим ва фан ходимлари Иштихон туман бирлашган касаба уюшма кўмитаси томонидан ҳисобот давридаги фаолият чуқур таҳлил қилинган кўргазма ташкил этилгани кўпчилиқка манзур бўлди.

— Бу мен учун янгилик бўлди, — дейди конференция делегати Зулхумор Сувонова. — Кўргазма таассуротларимизни янада бойишига хизмат қилди.

Таъкидлаш жоиз, ўтган даврда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури доирасида қатор ишлар қилинди. Соҳа ходимларининг 90 нафардан зиёди республикамиздаги турли шикатҳоҳларда саломатликларини тиклаб қайтишди. Кейинги кели йилда 74 нафар кам таъминланган ходимлар фарзандлари касаба уюшма маблағи ҳисобидан дам олдирилди. 428 нафар ходимга жамоат ташкилоти томонидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

— Тизимда ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсизликларнинг олдини олиш юзасидан қатъий чоралар белгиланди, — деди кўмита раиси Бахтиёр Валиев. — Барча мактаб, мактабга-ча тарбия муассасаларида техника хавфсизлиги бўйича жамоатчи вакиллар фаолияти жонлантирилди.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ғимоясини таъминлаш, кам таъминланган ходимлар оиласига кўмак беришдек муҳим вазифага жиддий ёндашилди. Утган даврда тармоқда ишлаётган 475 нафар ходимга касаба уюшма ташкилоти томонидан моддий мадад берилди. Маданий ва спорт тадбирларини ўтказиш, ёшларни турли спорт тўғрисида жалб этиш сифати яхшиланди.

Конференцияда сўзга чиққан тармоқ Марказий кенгаши раиси ўринбосари Мурод Шарифжонов ва бошқалар тармоқ кўмитаси фаолияти юзасидан ўз мулоҳазаларини билдириб ўтишди. Бахтиёр Валиев яна туман бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси этиб сайланди.

Н.ШАМСИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Хотира — абадий,



Хотира хамиша уйғок, у гўзал йўқловлари билан ҳаётимизни безайди. Отажоним Муслима Ҳамроева 20-мактабда ўқитувчи эди. Сабоб берган ҳар бир ўқувчисини биз фарзандларидек севиб, уларни илм-маърифат чўққиларини эгаллашга чорларди.

Онам ўзгирди

Волидаи муҳтарамам хамиша биз фарзандларига шундай дерди: «Ҳаётда шуқур қилиб яшанглр, одобингиз, гўзал хулқингиз, намунали ишларингиз билан ҳаётингизни безанг, шодликка тўлдириг. Илм олиш ва ҳаракатдан тўхтаманг. Ёлғону ёмондан нари юринглр. Унутманглр, юракдан қилинган ният ижобат бўлади».

Ҳаётнинг ўнқир-чўнқир йўллариде онамнинг ўғитлари қўл келди. Машаққатларни билимим, меҳнатим билан енгдим. Онамде муаллима бўлдим.

Онам халқ таобатидан хабардор бўлиб, кўплаб оилаларга ёрдам берар, мактабда эса жонқур устоз сифатида хурматли эди. Унинг саъй-ҳаракати билан вилоятда биринчилардан бўлиб, миллий фольклор дастаси тузилди, пойтахтда ўтказилган танлов ғолиби бўлганди.

Инсон ўзидан яхши ном ва эзгу ишлари билан из қолдирсин экан. Дўсту биродарлари, мактаб жамоаси ҳамон онажонимнинг яхши фазилатларини тўлиб-тошиб эслашади. Шундай она билан фахрланаман. Онамнинг руҳи ишларимда мададор бўлсин, деб дуога қўл очаман.

Гўзал ТОШМУРОДОВА, Ҳузур тумани 34-умумтаълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

«Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал...»

Устоз! Шу биргина сўз замирида олам-олам маъно ва хурмат мужжассам. Чунки, устозлар қалб қўри-ю сеҳрини шоғирдларига бахшида этган заҳматқашлардир.

Тармоқ касаба уюшмамиз фаол ташкилотчилардан Абдимурод Холбоев ана шундай фидойи инсонлардан.

Шербод туманидаги 1-умумтаълим мактаб-интернатда фаолиятини бошлаган А. Холбоев ташаббускорлиги, изланувчан ва билимдонлиги билан ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар хурматиға сазовор бўлди. Таълим самарадорлигини оширишда тинмай меҳнат қилди. Иқтидорли ўқувчиларга чуқур билим бериш мақсадида, биринчилардан бўлиб махсус

синфлар ташкил этди. Эзгу ишга билимдон, тажрибали ўқитувчиларини тортиди. Абдимурод ака тармоқ касаба уюшмамиз нуфузини оширишда ҳам алоҳида фаолиқ кўрсатмоқда. Унинг саъй-ҳаракати билан штат қисқартирилиши баҳонасида бўшатирилган ўнлаб ходимлар ишга тикланди.

У киши ҳақида гап кетганда умр йўлдоши, «ажойиб» ўқитувчи Чинниҳол опа Абдураҳмоновани тилга олмасликнинг иложи йўқ. Кўплаб шоғирдларнинг устози, фарзандларининг меҳрибон онаси Чинниҳол янға Абдимурод ақанин хурматини жойига қўйиб, ҳар бир ишда кўмакчи бўлиб юрибди.

Уларнинг ҳовлисига қирган одамнинг

бахри дили очилади. Ҳамма нарса тартибли, ораста, гуллар ва дарахтлар ҳам сизга қараб гапириб тургандек. Мақтаса мактагулик лимонзори бор.

Устоз бу йил олтимиш ёшга қадам қўймоқда. Мактаб жамоаси, тармоқ касаба уюшмамиз фидойи инсон, тажрибали педагогининг ҳаёт йўлини шоғирдларга ибрат қилиб кўрсатиш учун махсус тадбир режалаштирганмиз. Чиндан ҳам ана шундай элларвар, олижаноб инсонлар туфайли ҳаётимизнинг ҳар лаҳзаси гўзал, умримиз мазмунлидир.

Х.БЕГИМҚУЛОВ, таълим ва фан ходимлари Музработ туман касаба уюшма кўмитаси раиси

Мўйдинжон Белоруссиянинг Витебск вилояти Лепес шаҳридаги отлик аскарлар полкида ҳарбий хизматдан яшаш арафасида уруш бошлани қолди. Беш йил жанг майдонларида қолди кетди. У хизмат қилган полк Эрон-Ироқ чегарасини қўриқлаш учун юборилди. 1943 йилнинг январиде Ростов-Дон, Таганрог шаҳарларини душмандан озод қилишда қатнашди. Молдавиянинг Кишинев, Ясси шаҳарлари, Руминия ва бошқа жойлардаги омонсиз жангларда қон кечди.

Собиқ пулемётчининг дуоси

Берлин шаҳри остонасида бўлиб ўтган жангда у оғир жароҳатланиб, аввал Перм, сўнгра Саликамск шаҳридаги госпиталда даволанди. 1945 йилнинг 15 сентябрида у она шаҳри Марйилонга қайтиб келди. Эл қатори астойдил меҳнат қилди. Бугун эса қарилқ гаштини сураётир.

Турмуш ўртоғи Ҳалимаҳон Қорабоева билан олти ўғил, бир қизни тарбиялашди. Пиру бадавлат отахонинг 29 январь ва 27 февралда бор.

Яқинда «Терак-таги» маҳалла фуқаролар йиғини худудида яшовчи 90 ёшли уруш ва меҳнат фахрийси Мўйдинжон ота Қорабоев хонадониде бўлди. Отахон кўлини дуоға очиб:

— Истиклол шарофати билан юртимиз тинч-осойишта, осмонимиз мусоффо, шаҳар ва кишлоқларимиз кун сайин обод бўлаётганини қўриб бошим осмонга етмоқда. Илоҳим, Ватанимизга кўз тегмасин, биз қўрган-кечирган қўйинчилиғу очарчилиқни фарзандларимиз кўрмасин, шундай дориломон кунларга етказганига шуқур, — дея тилақ билдириди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

1942 йилнинг ноябр ойида фронтга кетиб, 1944 йилда Полшанин Варшава шаҳридан қайтиб. Ўт-олов, бошинг узра визиллаб ўтаётган ўқ ёки қулқони қоматга келтириб, дунёни ларзаға солиб портлаётган бомблар, ярадорлар, жасадлар... Бу кўнларни ҳеч кимға тиламайман.

Тилимизда шўкроналик

Минг шўқрки, бугун замонимиз тинч, осмонимиз мусоффо. Юртбошимиз олиб бораётган сиёсат туфайли мамлакат кундан-кун обод бўлаяпти. Урушдан кейин қолхоз далаларида ишлашди, оила қурдим, етти нафар фарзанд кўрдик. Хозир болаларимнинг барчаси уйли-жойли. Ҳар бирининг ўз касби бор. Невара-ю чевараларим атрофимда. Бундан ортиқ бахт борми?!

Яқинда иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабанин 65 йиллиги муносабати билан биз уруш қатнашчиларига 200 минг сўмдан муқофот беришди. Нафақаларни ўз вақтида олиб туриб-миз. Тўйчи Ербўлов, Мейли Тожиёв, Бувабай Бозоров, Жумагул Маҳмараймов каби қуролдош дўстларим билан хабарлашиб тураимиз. Барчамизнинг тилимизда шўкрона. Тинчлигимизга кўз тегмасин.

Эргаш бобо ХУШВАҚТОВ, уруш фахрийси, Чироқчи тумани



Уруш тамом бўлди, лекин

«Инсон боши тошдан деганларин рост гап экан. Бу бош не-не қўргиликлари кўрмади, не-не жабуру ситамларга дош бермади», — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, меҳнат фахрийси Тоҳир ота Авезов.

«Дунёни танбманки қўрганам азоб-уқубат, ғам-ташвиш бўлди. Отамдан эрта жудо бўлдим. Онам раҳматли мени воёга етказди.

Гўдаклик шўқликлари, эркаликлари менга умуман ёт. Онам билан ёнма-ён туриб, рўзғор тебратишга ҳисса қўшдим.

Дунё нотинч. Ким дўсту-ким душманлигини аниглаб етолмайсан киши. Репрессий балоси қарийб барча инсоф-диёнатли, маърифатпарвар инсонларни ўз домига тортиди. Эртанги кунга ишонч қолмади.

Соқол-мўйловим энди сабза ураётган бир пайтда уруш бошланди. Фашизм бутун ер юзига ҳукмронлик

қилиш ниятида инсониятга аёвсиз қиргин келтирмоқда эди.

Қараб тура олмадим, барча қатори мен ҳам 1942 йилнинг июнида фронтга жўнадим.

Сердобск шаҳридаги 7-захира полки қошида кичик командирлар тайёрлаш курсида ўқидим.

1942 йил ноябр ойидан бошлаб Сталинград жангида қатнашдим.

Ҳар бир кўча, ҳар бир уй, қўйинки ҳар бир қарич ер учун қон тўкиб, жон бердик.

Юзлаб қуролдошларим беаёв уруш қурбони бўлдилар. Ёнма-ён жанг қилиб, кўз ўнгимда ватан дея жон фидо қилган ватандошларим сиймоси шунча йиллар ўтишига қарамай ҳаёлимдан ҳеч нари кетмайди. Сталинград немис босқунчиларидан озод қилинганидан кейин Царицин, юқори Царицин, Мелерова, Тоқмоқ кишлоқларини озод қилиш-

да қатнашдим.

Қримни озод қилиш жуда қийин кечди. Қулай ўқ отиш нуқталарига ўрнашиб олган фашистлар кўз очирмай ўқ ёғдирар эдилар.

Яқин боришга қарата қилинган ҳар бир ҳаракат ўлим билан яқун топар эди.

Шунда бўлим командири Холиқ Эратов буйругига биноян уч гуруҳга бўлинган ҳолда ҳаракат қилдик.

Тутун чиқарувчи шашкаларни портлатиб, душманни қалғитдик ва ўқ отиш нуқтасини яқсон қилишга эришдик.

Шунда мен «Жасорат» медали билан муқофотландим. Севастопол учун бўлган жангда шаҳарга кираверишдаги кичкина бир худудни озод қилиш учун кўп қурбонлар беришга тўри келди. Тиш-тирноғигача қуролланган душман ўқ ёмғири остида барчамиз бир тан, бир жон бўлиб курашдик ва ғала-

ба қозондик.

Севастополни озод қилишдаги иштироким учун мени «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирлашди.

Биз қўрганин энди ҳеч ким кўрмайсин, юртимизда тинчлик абадий бўлсин. Минглаб ватандошларимнинг хоклари ўзга тупроқларда ором топмоқда, руҳлари шод бўлсин.

1947 йилнинг айна баҳор фасли — март ойида она кишлоғимга қайтдим. Уйлар хароба, экин майдонлари ишдан чиққан, халқимиз саводсиз, қорни оч, эгни юпун эди. Яна бел боғлаб, қизгин меҳнатга киришдик.

Кишлоғимиздаги мактабга бошланғич синф ўқитувчиси қилиб тайинландим.

Кундузи бошланғич синфларни кенқурун кечки курсларда ёши катталарни саводхон қилиш билан шуғулландим. Институтни сирдан ўқиб туга-

Қадр — муқаддас!

Бир пиёла чой устида дийдорлашув

Ўзбекистон темир йўллари тизимида тармоқда ишлаб нафақага чиққан фахрийлар, уруш ва меҳнат фронтда меҳнат қилган кекса темирйўлчилар ҳамда байналмилал жангчиларга алоҳида эътибор билан қараб келинади. Ҳар бир байрам уларсиз ўтмайди. Бу йилги Хотира ва қадрлаш кунини нишонлаш ҳам шундай бўлди.

Байрам муносабати билан «Ўзтемирйўлчу» ОАЖнинг «Йулчи поездларни рейсга техник ва технологик тайёрлаш филиали» корхона жамоаси томонидан пойтахтимиздаги «Бошлик» тўйхонасида ташкил этилган тадбир ҳам бунга мисолдир.

Унда республикамизнинг барча ҳудудларидан ушбу вагон депо-сида турли йилларда ишлаб нафақага чиққан 600 дан ортиқ меҳнат фахрийлари, уруш қатнашчилари ва байналмилал жангчилар иштирок этди. Собик ҳамкасблар бир-бирлари билан дийдор кўришиб, юртимиз ободлиги, тинчлиги, равнақи учун, бу кунларга етганига шукрона айтиб, дилдан сўхбатлашди.

Ҳамкасбларим, устоз шогирдларим билан яна кўришганимдан хурсандман, — дейди Самарқанддан келган фахрий темирйўлчи Омон ота Абдиев. — Меҳр кўзда эканлигини яна бир бор ҳис этдим. Биз кексаларни улуғлаб, дастурхон ёзган депо раҳбариятига ва касабга уюшма фаолларига раҳмат.

Байрам тадбирида шу депода ишлаб кетган уруш қатнашчиси, 1-гурӯх ногирони 104 ёшли Абзал ота Комилонинг қатнашгани даврага янада шуқуҳ бахш этди.

Тадбирга Марказий темирйўлчилар маданият саройидан ташриф буорган санъаткорлар ўзларининг куй-қўшиқлари билан файз киритди.

Аҳдам ДАМИНОВ,
Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат



Нуронийлар — фахримиз, гўруримиз, сўянган тоғларимиз. Уларнинг ҳаёт тажрибаси ёшларга сабоқ бўлса, дуоларидан элга рўшнолик ёғилади. Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 65 йиллиги нишонлини муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини муқофотлаш тўғрисида»ги фармони вилоятимиздаги барча уруш қатнашчиларини бениҳоя рўҳлантди. Когонлик Остон Исломов, Неъмат Шодиев, Саврилло Тоштемиров, шофирконлик Рустам Саидов, Тилло Абдуллаев, Тўра Жўраев каби ўнлаб фахрийлар жамғармаимизга келиб ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан мамнунликларини изҳор этишмоқда.

Бу муборақ санани муносиб ўтказиш учун вилоят ҳокимлигининг алоҳида дастури ишлаб чиқилиб, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронлари, уруш орти меҳнат фахрийлари, ҳалок бўлган жангчи оилалари рўйхати қайта тузилди. Уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш истагини билдирган тадбиркор, фермер ва ташкилотларнинг эса саноги йўқ. Айни пайтда вилоятимизда 576 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногирони истиқомат қилиб, Юртбошимизнинг фармони асосан бу йил уруш қатнашчиларига юбилей медаллари ҳамда 200 минг сўмлик, жами 122 млн. сўм пул муқофотлари тантанали равишда топширилади.

«Саодатли кунлар қадрига етайлик...»

Еши саксондан ошиб, юз билан юзлашаётган уруш ва меҳнат фахрийларига қанча ҳурмат қўрсатилса оз. Буни англаган ҳошимларимиз аллақачон савобли ишларни бошлаб юборишган. Фахрийларга совға-салом улашиш учун Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи икки млн. «Бухородон» ҳиссадорлик жамияти эса беш юз минг сўм маблағ ажратди.

Нуронийлар саломатлигини мустаҳкамлаш, кўнгилли ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш, сайру саҳатларга юбориш ҳамда эътиборимизда. Шу йилнинг биринчи чора-дага уруш ногиронлари 44 та аравача, 10 та эшитиш мосламаси, 60 та қўлтиқтаёқ билан таъминланди.

7828 нафар фронт ортида меҳнат қилган, 479 нафар ҳалок бўлган жангчиларнинг оилалари моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда. Жамғармаимиз «Маҳалла» жамғармаси, хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЕИХ, Маънавият-тарғибот маркази билан ҳамкорликда ўқув масканлари, лицей ва коллежларда турли учрашувлар ўтказмоқда. Тад-

води, Ворошилов шаҳар халқ театри, Харьков велосипед заводи кўчириб келтирилган. Бу заводлар уруш учун ўқ-дори ва граната, миналар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Яна уруш йилларида вилоятимизга 14 та болалар ўйи кўчириб келтирилган. 1776 нафар аёл озиқ-овқат ниҳоятда танқислигига қарамай, етим болаларни бағрига олиб, ўз фарзандидек тарбиялаган.

Когон темир йўл вокзалда озиқ-овқат пункти ташкил этилган бўлиб, 10 та фойтон 24 соат тинмасдан аскарлар учун озиқ-овқат ташиб турган. Уша вақтда темир, алюмин, мис ишлаб чиқарадиган асосий заводлар душман қўлида қолганлиги учун бу нарсаларга эҳтиёж жуда катта эди. Юртдошларимиз тўйларда юз килолаб ош дамланадиган мисқозонлари, самовар, хуллас, барча рўзғор анжомларини ғалаба учун тортиқ қилган. Ўзбекистон пилласидан 300 мингта парашют тайёрланган бўлса, шунинг 52 мингтасида Бухоро пиллакорларининг ҳиссаси бор. Худди шундай тадбирлар бошқа туманларда ҳам бўлиб ўтмоқда. Уруш қатнашчилари ва ногиронларини фақат байрам кунларида эмас, балки ҳар лаҳзада йўқлаб, қалбларини шод этиш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Юсуф ҚУРБОНОВ,
«Нуроний» жамғармаси
Бухоро вилояти кенгаши раиси

бирга таклиф этилган уруш ва меҳнат фахрийлари ўз бошларидан келиб чиқиб, ёшларни тинчликнинг буюк неъмат эканлигини чуқур англашга, унинг қадрига етишга, турли ҳавф-хатарлардан огоҳ бўлишга қақришмоқда.

«Уч авлод учрашуви» шу жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлди. Тадбир айнан «Хотира» музейида ўтказилишида рамзий маъно бор. Тадбирда сўзга чиққан БухДУ тарих кафедраси ўқитувчиси Очил Сирожев уруш йилларида вилоятимиз аҳолиси фронт ортини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси тўғрисида сўзлаб, жумладан, шундай деди:

— 1941-1945 йилларда вилоятимизга, бир неча госпиталлар, Брянск қурилиш техникуми, тўпчилар ҳарбий билим юрти, Одесса шарбат за-

Тинчлик — табаррук неъмат

Омон бобо ҳовлидаги тоқларнинг ортиқча шохларини кесиб, тагини юмшатаётган эди. Шу пайт дарвоза тақиллаб, бир гурӯх ўқувчилар кийиб келишди.

— Келинлар, болаларим, — деди отахон ишдан бош кўтариб. — Биз Самарқанд маҳалласида жойлашган 42-умумтаълим мактабиданми, — деди ўқув даргоҳи болалар ва ўсмирлар етакчиси Шаҳринисо Номозова. — Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ҳамкишлоқларимиз ҳақида «Бахтимиз учун курашганлар» мавзусида бурчак ташкил этаямиз. Сиз ҳам жанг хотираларингиздан гапириб берсангиз.

Омон бобо болаларни ичкарига таклиф қилди.

— Бу воқеа Белоруссияда бўлган, — дея ҳикоясини бошлади отахон. — Эрталаб гўмбурлаган тўп овозидан чўчиб уйғондим. Ташқарида бомбалар тинимсиз портлар, ертўланинг чеккаларидан шовуллаб тупроқ тўкилар, устунга осмиқ котелоклар эса бир-бирига урилиб жаранларди. Командир вазиятни тушутириб, аниқ топширик берди. Топшириққа кўра, биз тўпчилар душман самолётларининг ҳужумини йўқ қилишимиз керак эди.

Хар ким жанговар постини эгаллади. Қўл ўтмай тўпларимиз душман самолётларига зарба бера бошлади. Жанг пайтида мен душманнинг иккита қирувчи самолётини уриб туширдим. Бу менинг жангдаги биринчи катта муваффақиятим эди.

Неман дарёси бўйидаги жанг ҳам сира ёдидан чиқмайди. Биз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган кўприкни мудофаа қилиш вазифаси топширилган эди. Чунки душман уни ҳар дақиқада издан чиқаришга ҳаракат қиларди.

Омон бобо жим қолди. Бироздан сўнг болаларга бир-бир қараб олган:

— Урушнинг номи ўчсин, болаларим. Тинчлик, фаровонликка не етсин! Ўқинлар, ота-оналарингизнинг, мамлакатимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб етишинлар, — дея тилак билдирди.

Ғаллаороллик тўпчи, захирадаги сержант Омон Шойзоқов тинч қурилиш йилларида Республика галлачилик илмий-тежирини институтининг Ғаллаорол туманидаги филиалида директор мувини лавозимда ишлаб, эл мўл-кўлчилигига муносиб ҳисса қўшди. Шунингдек, 22-автотранспорт корхонасида бўлим бошлиги, туман ветеринария шохобчасида хисобчи бўлиб ишлади.

Отахон 87 ёшида бўлса-да, бардам ва тетик. Бахти бекам. Ун бир нафар фарзандни тарбиялаб олган эди. 60 дан зиёд невар ва чеваралари бор. Тўй ва маврақаларнинг тўрида ўтириб, ёшлардан йўл-йўриқ ва маслаҳатларини аямайди. Вақти-вақти билан тумандаги 42-, ва 44-умумтаълим мактаблари ҳамда касб-хунар коллежлари ўқувчилари хузурида меҳмон бўлиб туради. Уларни мард, жасур ва баркамол инсонлар бўлиб етишишга даъват этади.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти
Суратда: уруш қатнашчиси
Омон Шойзоқов

Ўқув-семинар

Меҳнат муҳофазасига бағишланди

Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгашининг Фарғона вилояти бўйича вакиллиги томонидан «Тармоқ корхоналарида меҳнат муҳофазаси талаблари таъминлиниши устида жамоатчилик назоратининг ташкил этилиши» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.

Унда тармоқ корхоналарининг касабга уюшма қўмиталари ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиялар раислари, масъул ходимлар, шунингдек, Марказий кенгашининг Андижон ва Наманган бўйича вакиллари ва фаоллари иштирок этди.


Семинарда «Меҳнат муҳофазаси соҳасидаги янгиликлар ва касабга уюшма фаоллари олдида турган долзарб масалалар», «Корхонада меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил этиш ва билимларни текшириш» сингари долзарб мавзуларда маърузалар тинланди.

Ўқув саволари бўйича слайдлар яратилиб, мультимедия орқали намойиш этилди.

Б.РАҲИМОВ,
Тармоқ касабга уюшмаси МК Фарғона
вилоят вакиллигининг етакчи мутахассиси

Намунали ташкилот

Қайси соҳада бўлмасин тажриба алмашиш, бир-бирининг яхши жиҳатларини ўзлаштириш ривожланишининг асоси саналади. Ўзбекистон Миллий университети талабалар касабга уюшмаси қўмитасида бўлиб ўтган ўқув-семинарда ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилди.



Тадбир Олий ўқув юртлиги касабқўм раисларининг ЎзМУ талабалар касабга уюшмаси қўмитаси фаолияти билан танишувида бошланди. Бу ердаги шароит, фаолиятта доир ҳужжатлар тартиби, муҳими, ишнинг яхши йўлга қўйилгани эътироф этилди. Шунингдек, ташкилот томонидан ижтимоий ҳимоя, маънавий-маърифий тадбирлар, спорт-соғломлаштириш каби қатор йўналишларда олиб борилаётган ишлар иштирокчиларга манзур бўлди. Бу қўмита фаолиятига оид филм намойишида ҳам яққол кўзга ташланди.

— Бизнинг асосий вазифамиз, авваламбор, талаба-ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамда уларнинг иш ва касбни эркин танлашга бўлган конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир, — деди қўмита раиси Исролжон Ҳамроев. — Шунга кўра, университетимизда таҳсил олаётган ун мингдан ортиқ талабалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Жойлардан келган касабқўмлар талабаларнинг ўқиш ва яшаш шароитларини янада яхшилаш борасида ўз таклифларини билдиришди.

— Бугунги ўқув-семинар нафақат олий ўқув юртлигининг янги сайланган касабқўмлари, балки барчамиз учун тажриба мактабини ўтаса ажаб эмас, — деди тармоқ касабга уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Тоiba Акрамова.

Акмал ЭРҒАШЕВ

Қарор ва ижро

Мақсадимиз — аҳолига қулайлик яратиш

Президентимизнинг аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни такомиллаштириш борасидаги қарори ижроси бўйича Буюкбоши туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Худудимизда аҳолига хизмат кўрсатувчи учта уюшма мавжуд бўлиб, хизмат сифатини ошириш йўлида ҳамкорликда тез-тез рейдлар ва мониторинглар ўтказаямиз, — дейди туман ДСИ бошлиги М.Мамадалиев. — Қонун бузилишига йўл қўйган шахслар жаримага тортилиб, турли жазо чоралари қўлланмоқда. Шу боис нақд пул тушуми бўйича ҳам ишқисқатлик қўзғата ташланапти.

Яқинда наватбатдаги рейд ўтказилиб, лицензиясиз фаолият кўрсатган ҳайдовчилар А.Аманов, М.Ҳужажов, З.Мамадалиевларга нисбатан жарима қўлланилди.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Саноат

Кичик бизнес ривожланмоқда

Кичик ва ўрта бизнес бугун мамлакат иқтисодийотида етакчи қучга айланди. Юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 50 фоизини ушбу соҳа вакиллари томонидан ишлаб чиқилапти.

Жорий йилда Сирдарё вилоятида соҳани ривожлантириш хисобига қўллаб-қўллаш йўлида қўмита қўзда тутилган. Бунинг учун банклар томонидан 130 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. Натижада, меҳнат бозорига вазият барқарорлашиб, йил давомида 37 минг 920 та янги иш ўрни яратилди.

Сайхунбод туманида яшовчи талбиркор Бахтиёр Ибрагимов эса «Халқ банки» туман бўлимидан 50 млн. сўм кредит олиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Германияда ишлаб чиқарилган қадоклаш ускуналарини сотиб олди. Айни кунда «Сайхун» МЧЖда маъданли, шифобахш сувлар қадоклашиб, истеъмолчиларга етказиб берилаяпти. Энг муҳими, 25 нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланди.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Жанг давом этарди

тишга тўғри келди. Эгнимда қайтган гимнастёрка ва шнелим билан неча йиллар хайрлашолмадим.

Кийим, уй-рўзғор асбоблари уёқда турсин, қорин тўйгазишни, тўғрироғи, тўйдирши эмас, овқат топишни зўрга эплар эдик. — Шундай дорилоним, тинч, фаровон, тўкин-сочин кунларга етказганига шуқур, — дея хўрсинди ва кўзларини бир нуқтага узоқ тиккан ҳолда сўхбатини тугатди Тоҳир ота.

Уруш тугади, лекин жанг давом этарди. — Бу жанг очлик, яланғочлик, саводсизликка қарши кураш жанги эди; — Бу жанг келажакка бўлган ишонч, орзулар рўёби жанги эди; — Бу жанг ота-боболаримиз узоқ йиллар кўмсаган эркинлик, мустақилликка қараб интилиш жанги эди.

Биз ғалаба қозондик, шукрона айта-

миз, юртимизга кўз тегмасин. Бу кунларга етганлар бўлди, етмаганлар бўлди.

Бу ҳаётнинг ўзи бўлгани йўқ. Бунинг учун юзлаб, минглаб Тоҳир оталар тинчлик меҳнат қилдилар.

Шу тинч, фаровон ҳаётнинг ҳар бири лаҳзасини қадрлашимиз, эъзозлашимиз ва уни янада чиройли, бетакрор бўлишига бор кучимиз билан ҳисса қўшмоғимиз лозим.

Салкам тўқсон ёшни қоралаб қўйган Тоҳир отани ҳар учратганимда қўлини дуога очиб, халқимизга соғлиқ-омонлик, элимизга тинчлик, дастурхонимизга қўт-баракат тилашдан чарчамайди.

Тоҳир ота тетик ва бардам. Ҳозирги кунда ҳам эл-юрт орасида.

Маҳалла фаоли. Узи ишлаган мактаб ва қишлоқдаги қўшни мактабларда ўтказиладиган тадбирларга жон-дили билан иштирок этади.

Қўрган-кечирганларини ёшларга сўзлаб

бериб, уларни ватанга садоқат, ўтмишга ҳурмат, келажакка ишонч руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Тоҳир отанинг пешонасидаги қатор-қатор ажинлар ўтмишдаги нотинч ҳаётини эслатса-да, бугунги ёруш кунларда фарзандлари, невар, эвара ва чеваралари ардоғида мўътабар бобо бўлиб ўтирганлини кўриб қувонсан киши.

Тоҳир отага узоқ умр тилаймиз. Бахтимизга Тоҳир оталар соғ-омон бўлсин.

Уруш тугади, лекин жанг давом этади. Эндиги жанг, тинчликни сақлаш жанги, фарзандлар камолти, юрт равнақи, эл фаровонлиги, дастурхонимиз тўкинлигини таъминлаш жанги. Ана шу жангда барчамизга омад ёр бўлсин, азиз юртдошлар.

Каримбой СОБИРОВ,
меҳнат фахрийси,
Янгиарик тумани

